



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 8 июнь 11 (414)-сон

hamkor.press@mail.ru



Муқимжон ҚОДИРОВ
олган сурат.

Қалб
ўри
мужассам

**ҚЎҚОН
ПАТИРЛАРИ**

Бу сонга:

СИЗ

ҚАНДАЙ

ТУЗ

3-БЕТ

ИСТЕЪМОЛ ҚИЯПСИЗ?



5-БЕТ

**БАНК
КЎМАГИ БИЛАН**



4-БЕТ

**ТОПГАНИ
ХЎРМАТ, ҚАДР,
ДЎСТЛАР БЎЛДИ**

"НИҲОЛ"ДА

**истеъдодлилар
Қамол
топмоқда**

6-БЕТ



ҚУН
ҲИҚМАТИ:

Ўзингиз орзу қилган киши бўлишингиз
учун ҳеч қачон кеч эмас.

Жорж ЭЛИОТ.

Буюк Британияда тўрт кунлик иш ҳафтасини жорий этиш бўйича йирик тажриба бошланди. Мамлакатнинг 4 кунлик ҳафталик дастурида 70 та компаниянинг 3,3 мингга яқин ходими иштирок этади.

4 КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИГА ЎТИЛДИ



4 кунлик ҳафта дастури янги Зеландиялик тадбиркорлар Эндрю Барнс ва Шарлотта Локхарт томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Оксфорд ва Кембриж, шунингдек, Бостон коллежи (АҚШ) олимлари кўмағида ташкил этилган.

Ташкилотчилар 100:80:100 моделдан фойдаланадилар. Мақсад 80 фоиз иш ҳақини 100 фоиз тўлаш ва 100 фоиз унумдорликни сақлаш. Компаниялар фаолияти ва ходимларнинг фаровонлигидаги ўзгаришлар иштирокчи университетлар олимлари томонидан назорат қилинади.

Дастур натижалари келгуси йилда эълон қилинади, шундан сўнг Британия ҳукумати ишчиларнинг 32 соатлик иш ҳафтасига ўтказиш қанчалик самарали эканлигини тушуниш учун уларни ўрганади.

Колумбия суди мамлакат президенти Иван Дукени жаримага тортиб, беш кунлик уй қamoғи билан жазолади.

Президент Дукен судга ҳурматсизлик қилган деб топилди. Яъни, Колумбия олий судининг 2020 йилдаги қароридан келиб чиқиб, Лос-Нева-

СУД ПРЕЗИДЕНТНИ УЙ ҚAMOғи БИЛАН ЖАЗОЛАДИ

дос миллий боғини муҳофазалаш бўйича тегишли чоралар кўрмаган. Экологларнинг уқтиришларича, миллий боғ дарахтлари кесилишини ва фойдали қазилмаларни ноқонуний қазиниш тўх-

татиш учун ҳукумат деярли ҳеч нарса қилмаган.

Суд, шунингдек, мамлакат президенти-ни 3900 доллар атрофида жаримага тортиди ва миллий боғда тиклаш ва таъмирлаш ишлари олиб боришда



қўмаклашиш учун полиция ёки ҳарбийлардан махсус бўлинма ташкил қилишни буюрди.

Туркиянинг халқаро миқёсда тан олинган расмий номи Türkiye тарзида ёзиладиган бўлди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Мавлуд Чоғушўғли бу борада БМТга расмий сўров йўллаганини маълум қилди.

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАН ОЛИНГАН НОМ ЎЗГАРДИ



Вазир бу мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга қаратилган чоралардан бири эканини қайд этган.

"БМТ бош қотибига юборган мактубимда мамлакатимиз номи БМТнинг хорижий ҳужжатларида Türkiye шаклида ёзилиши мақсадга мувофиқлигини баён этдим. Ушбу ўзгариш хайрли бўлсин!" – деб ёзди Чоғушўғли.

Эндиликда халқаро миқёсдаги расмий ҳужжатларда Türkiye истилоҳи қўлланади, Turkey, Turkei, Turquie каби атамалардан воз кечилади.

НОБЕЛЬ МЕДАЛИ СОТУВГА ҚЎЙИЛДИ

Нобель тинчлик мукофоти соҳиби, "Новая газета" наشري бош муҳаррири Дмитрий Муратовнинг Нобель медали "Heritage" аукционлар уйи ўтказаетган кимошди савдоларида сотилди.

Аукцион 20 июнь кунини Манхэттендаги "New York Times" медиа марказида якунланади. Тушган барча пуллар халқаро ЮНИСЕФ жамғармасига ўтказилади.

Муратовнинг Нобель медалига бошланғич 6 250 доллар нарх қўйилган, 250 доллар оралиқдаги ҳар бир янги ставка қабул қилинади, аукционлар уйи сайти орқали ставка бериш мумкин.



Вашингтон шаҳрида ўтказилган кимошди савдосида Украина президенти Владимир Зеленский "Кашта куни"да кийган кийим 100 минг АҚШ долларига сотилди. Маълум бўлишича, кўйлак юридик компанияга насиб қилган.

КЎЙЛАК 100 МИНГ ДОЛЛАРГА ПУЛЛАНДИ

Таъкидланишича, йиғилган маблағлар мамлакат Миллий банки ҳисоб рақамларига ўтказилади ва тегишли вазирликлар томонидан Украинанинг мудофаа ва тиббиёт соҳасига, шунингдек, ҳудудларни миналардан тозалашга йўналтирилади.



"Толибон" ҳаракати Афғонистон пойтахтини Кобулдан мамлакат жанубидagi Қандаҳор шаҳрига кўчирмоқчи. Бу ҳақда Афғонистон собиқ вице-президенти Амрулла Солих маълум қилди.

"ТОЛИБОН" ЛАР ПОЙТАХТНИ КЎЧИРМОҚЧИ



"Толиблар ҳеч қандай олдиндан огоҳлантиришсиз Афғонистон пойтахтини Қандаҳорга кўчирмоқчи", — деди у. Собиқ вице-президент маълумотларига кўра, айти пайтада "Кобул маъмурий пойтахтга айлантирилиши ҳамда сиёсий кескинликлар ва ҳукуматга қарши чиқишлардан изоляция қилиниши керак".

Солих даъво қилишича, мамлакат парламентида сайловлар "Толибон" етакчиси Ҳайбатулло Охунзода раҳбарлик қиладиган махсус кўмита назорати остида бўлиб ўтади. Парламентнинг ўзи нафақат бош вазир дастури тинглаши керак бўлади, балки уни маъқуллаш ёки рад этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмайди.

Афғонистон собиқ вице-президенти, шунингдек, толибларнинг бош қароргоҳи Қандаҳорда жойлашадиган Олий уламо-лар кенгаши тузиш қарори ҳақида маълум қилди.

Автокредит олгандим. Кредит шартномаси уч йилга тузилган. Аммо мен кредитни бир йилда тўлаб бўлдим. Шартнома бўйича машинани уч йилга суғурта қилгандим. Энди қолган икки йиллик суғурта суммасини қандай қайтариб олсам бўлади?

Э. ДАЛИБОВ,
Фарғона.

— Бу ҳолатда, биринчи ўринда фуқаро билан суғурта компанияси ҳамда тижорат банки ўртасида 3 томонлама тузилган гаров объектини суғурта қилиш шартномаси шартларига мувофиқ иш тугилади. Мурожаатчи мисолида айтадиган бўлсак, суғурта компанияси, тижорат банки билан унинг ўртасида имзоланган суғурта шартномаси мuddати 3 йил бўлган бўлса, ушбу шартнома 3 йил давомида амалда бўлади.

Агар мижоз кредитни мuddатидан олдин сўндирганлиги учун суғурта шартномасини ҳам мuddатидан аввал бекор қилмоқчи бўлса, у ҳолда суғурта шартномасини мuddатидан аввал бекор қилиш бўйича 3 томонлама келишув битими расмийлаштирилади.

олдин бекор қилиш бўйича эътироз йўқлиги бўйича хат олинади. Шундан сўнг, мижоз, банк ва суғурта компанияси ўртасида 3 томонлама белгиланган тартибда суғурта шартномасини мuddатидан олдин бекор

ШАРТНОМАНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ



Бунинг учун банкдан суғурта компанияси номига мижознинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажарганлиги ҳамда суғурта шартномасини мuddатидан

қилиш бўйича келишув битими расмийлаштирилади ва суғурта шартномаси мuddатидан олдин бекор қилинади. Ишлатилмаган суғурта

СУҒУРТА ХИЗМАТИ

мукофоти қолган йиллар учун мутаносиб тарзда суғурта шартномасида белгиланган шартлар асосида мижозга қайтариб берилади.

Шу ўринда ҳар қандай шартномани имзолашдан олдин, унинг шартлари билан тўлиқ танишиб чиқиш лозим. Агар бирор жойида иккилансангиз мутахассисга мурожаат қилинг. Унутманг, бу сиз учун жуда муҳимдир. Чунки келаётган мурожаатлар ўрганилганда, кўпчилик ўзлари томондан имзоланган шартнома шартларини ўрганмаган ҳолда эътироз билдиришади. Ушбу ҳужжатни ҳатто эътибор билан ўқимаганликларини тан олишади. Бу каби ҳолатларга тушмаслик учун шартнома шартларини тўлиқ ўрганиш лозим.

Саволга "Ҳамкор суғурта" АЖ бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Камолитдин ХАДЖИМАТОВ жавоб берди.

Жорий йилнинг май ойида 7 та корхонада стандартларга жавоб бермайдиган 50 тоннадан ортиқ йодланган тузнинг сотувга чиқарилиши тақиқланди. Ҳозирда республикада жами 117 та корхона туз ишлаб чиқаради ва қадоқлайди. Фарғона водийсида истеъмол қилинадиган тузнинг 10–53 фоизиди йод микдори паст экани маълум бўлди.

2015 йилдан бошлаб Ўзбекистонда йодлан-

СИЗ ҚАНДАЙ ТУЗ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАПСИЗ?

маган озиқ-овқат тузуни ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланган. Қонун қабул қилинаётган вақтда мамлакатда йод танқислиги ҳолатларининг тарқалиши 40 фоизни ташкил этгани хабар қилинган эди. Йодланган туз истеъмолини кўпайтириш масаласи аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган.

Санитария-эпидемио-

логик осийишталик ва жамоат сало-матлиги хизмати томонидан йодланган ош тузи ишлаб чиқариш ва қадоқлаш корхоналари маҳсулотлари ўрганилиб, айрим ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланди.



Ўтган йили мутахассислар Фарғона водийсида мактаб ўқувчилари ўртасида селектив тадқиқот ўтказишди. Текширилган болаларнинг 30 фоизиди йод танқислиги аниқланди. Минтақада истеъмол қилинадиган туз-ни ўрганиш давомида унинг

таркибида йод микдори етарли эмаслиги маълум бўлди.

Таъкидлаш жоизки, йод танқислиги аёллар саломатлигига, болалар ва ўсимирларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига салбий таъсир қилади. Сақлаш талабларига риоя қилинмаса, туздаги йод микдори камайиши мумкинлигини ёдда тутиш керак.

А. РАШИДОВ.

“Hamkorbank”да маънан етук, профессионал ва иқтидорли мутахассислар фаолият юритади. Уларнинг зурриёвлари ҳам худди ўзларига ўхшаб, ақлли, тиришқок ва улкан мақсадлар эгаси. Айниқса, Президент мактабларида ўқиётган банк ходимларининг фарзандларига ҳавасингиз келади.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИДА ЎҚИМОҚДАЛАР




“Hamkorbank” АТБ кенгаши корпоратив бошқарув аппарати раҳбари Ғофуржон Аҳмедовнинг ўғли Асилбек Ғуломжонов Андижон шаҳридаги Президент мактабининг 7-синф ўқувчиси. Интилувчан, аълочи бу ўқувчи робот ясашга иштиёқманд.

“ЗЎР РОБОТЛАР ЯРАТАМАН”

— Янги мактабим олдингисидан ўқитиш услуги ва замонавий технологиялари билан фарқ қилади. Дарслар Буюк Британиянинг Кембриж университети таълим тизими асосида ўтилади. Робототехника, биология, кимё тўғраракларига қатнашяпман. Бу ерни битириб, юртимга нафим тегадиган робототехника мутахассиси ҳамда дастурчи бўлмоқчиман. Бу икки соҳа бир-бирига алоқадор. Агар дастурлашни яхши ўрганиб олсангиз, кўп ишларни ўзингиз мустақил бажарасиз.

Робот ясаш қийин эмас. Ушбу соҳага мунтазам янгиликлар кириб келмоқда. Биз ҳам мактабда янги инновациялардан фойдаланиб, мукаммаллашган роботларни яратиш лойиҳаси устида иш олиб бораёпмиз.

Характерим кўпроқ Алишер исми амакимга ўхшайди. У инсон қизиқувчан, ҳафсалали. Дадамнинг эса ўта масъулиятли ва интилувчан эканлигини ҳурмат қиламан. Мен ҳам келажақда дадамга ўхшаб бирон вазифа зиммамга юклатилса, уни астойил бажаришни истайман.



— Фақат “аъло”га ўқияпман. Чет элдан келган ўқитувчилар чуқур таълим беряпти. Мактабни тугатгач, Оксфорд университетида кириб, кўз доктори бўлмоқчиман. Робототехника, сузиш, математика, мусиқа тўғраракларига қатнашяпман. Бир кунда 7 соат дарс ўтилади. Дарсдан сўнг тўғраракларда машғулот ўтказамиз. Деярли бўш вақтимиз бўлмайди. Робототехника дарсларида ўзим мустақил 3 та робот ясадим.

Юртимга фойдам тегиши учун яхши ўқишим керак. Яхши ўқиш учун иштиёқ, қизиқиш бўлиши зарур. Бу нарсалар ҳозир менда бор. Дадамнинг масъулиятли ва жиддийлигини қадрлайман. Менинг ҳам айрим феълларим дадамга, ташқи кўринишим эса онамга ўхшайди.

“ОКСФОРДДА ЎҚИБ, ШИФОКОР БЎЛАМАН”



Фарғона минтақавий филиали бошқарувчиси Абдуқаҳҳор Шариповнинг фарзанди Абдусалом Муҳаммаджонов Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 7-синфиди тахсил олмоқда. Ота-онасининг айтишича, у табиятан оғир-босиқ бўлиб, бу жиҳатдан дадасига ўхшар экан.

“ДАДАМ ҲЕЧ КИМНИ ЕРГА УРМАЙДИ”

— Мақсадим — келажақда она Ўзбекистонимни бутун дунёга танитиш. Мактабимизда 9-синфдан бошлаб ҳар бир ўқувчи танлаган соҳаси бўйича чуқур ўқитиб борилади. Мен математика ва инглиз тилини танладим. Келгусида иқтисод соҳасида фаолият юритмоқчиман.

Дадамнинг энг яхши хислатларидан бири ҳамма билан яхши муносабатда бўлишидир. Ҳеч кимни ерга урмайди, ҳаммани бирдай ҳурмат қилади. Ҳозир ёшман, менда ҳам бу характерлар қисман бор. Улғайсам, кўп нарсани тушуниб етаман.



Камолиддин Сиддиқов ҳам Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 8-синфда ўқийди. У Марғилон филиали юристи Қобилжон Юсуповнинг фарзанди.

ЎЗБЕКНИНГ БУЛАЖАК ИЛОН МАСКИ

“Ўғлим ўта ақлли, лидер, ҳамма нарсани улғуради, ҳар қандай одам билан тил топиша қалади. Чидамли, сабрли. Билими кучлилиги жиҳатидан онасига, ҳамма нарсани улғуриши жиҳатидан менга торган”, дея фарзандига тўлқинланиб таъриф берди Қобилжон Юсупов. Биз Камолиддиннинг ҳам суҳбатга чорладик.

— Бу мактаб бошқа таълим масканларидан тубдан фарқ қилади. Менга кўплаб имкониятлар яратиб берганидан хурсандман. Машғулотлар чет эл дарсликлари асосида ўтилмоқда. Математика, инглиз тили, кимё, биология, тарих фанларидан қўшимча сабоқ оляпман. IELTS тўғраракига қатнашиб, дастурлаш соҳасини ҳам ўрганаёпман.

Президент мактаби томонидан яратилган яна бир шароит — бу ота-онамизга оғирлигимиз тушмаслигидир. Ўқув куроллари, дарсликлар, мактаб формаси, спорт формаси, озиқ-овқат — барчаси мактаб томонидан бепул берилди. Ҳатто оддий ручкага ҳам пул сарфламаймиз.

Насиб қилса, мактабни тамомлагач,



иқтисод соҳасида тахсил оламан. Ўзбекистонда компания тузиб, чет давлатда унинг офисини очаман. Шу офис орқали юртимизга инвестиция олиб қираман. Яна битта режам бор: миллиардер бўлганимдан сўнг Ўзбекистон номидан космосга сунъий йўлдош учирмоқчиман. Шунда мамлакатимизда интернет тезлашади ва арзонлашади.

Дадам ҳақидаги фикрим шуки, мен у инсон билан фخرланаман. Оилапарвар, меҳнаткаш ва идеал ота.

Шоҳжаҳон Хўжанов Термиз филиали бошқарувчиси Музаффар Хўжановнинг ўғли. Термиз шаҳридаги Президент мактабининг 7-синфиди ўқийди. Ҳар бир ишда фаол. Рус ва инглиз тилида бехато гаплашади.

ҲОЗИР АЪЛОЧИ, КЕЛАЖАҚДА ЭСА ЖАРРОҲ

— Менга бу мактабнинг биринчи ёққан томони аниқ фанларнинг инглиз тилида ўқитилиши бўлди. Устозларимиз мавзунини аниқ тушуниради. Синфда аълочи ўқувчиларданман. Насиб қилса, шу ерни тамомлаб, кардиожарроҳ бўлмоқчиман. Тоғамга қизиқиб, унинг ўзишига бўлган меҳрини қўриб, шифокорлик касбини танладим. Аммаларим ҳам шифокор. Ҳозирдан тўғраракларда кимё, биология, физика, математика, инглиз тили фанларини чуқур ўрганаёпман.

Мактабимизда интизом кучли. Ким тартибни бузса, тушунириш хати ёздирилиб, ота-онаси чақиртирилади. Уйимга ҳафтада бир марта борсам ҳам, соғинч ҳиссини у қадар туймаяпман. Чунки ўқиш, машғулотлар кетма-кетлиги бошқа нарсаларни ўйлашга имкон қолдирмайди.

Дадамга келсак, у инсоннинг меҳрибон, оққўнғил, ҳалоллигини яхши кўраман. Дадам каби яхши инсон, яхши мутахассис бўлишни истайман.



Нигора ТЎХТАМАТОВА.

МУСТАҲКАМ РЕЖА ДАРОМАД ДЕМАКДИР

**Бугунги кунда
"Hamkorbank" АТБнинг
Каттақўрғон филиа-
лида 38 нафар ходим
фаолият юрита-
ди. Уларнинг ҳар бири
билимли ва салоҳиятли.
Ҳамкасбларимнинг эри-
шадиган ютуқлари
ўрганишга аризлир.**

Филиалимиз 2020 йилнинг март ойида фаолиятини бошлаган. Ўтган қисқа давр жамоамиз учун юксалиш даври бўлди. Амалдаги йил бошидан буён 77 та юридик мижоз жалб қилинди. Бу банкимиз учун катта ўсиш демакдир. Натижада уларнинг сони 380 тадан ошди. "Longli construction installation" ва "DKIZ-2022" масъулияти чекланган жамиятлари, кўплаб йирик айланма ва талаб қилиб олингунча депозит маблағларига эга мижозлар улар сирасига киради.

Ютуқларимиз рақамлар таҳлилида кўзга ташланади. Жумладан, жорий йилнинг 4 ойида юридик шахслардан олинган валюта даромадлари 335,2 млн. сўмни ташкил қилиб, режа 750 фоизга бажарилди. Ҳисоб касса хизматидан олинган даромадлар 631,3 млн. сўм. Бу режа кўрсаткичи 223 фоизга етди деганидир. Юридик шахслар талаб қилиб олингунча депозит маблағлари, муддатли ва жамғарма депозитлари қолдигини кескин оширишга эришилгани ҳам эътиборли.

Йил бошидан буён 600 дан зиёд жисмоний шахсларга 12 млрд. сўм, 80 та юридик мижозларга эса 14 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу каби хизматлар мижозларнинг банкимизга бўлган ишончини оширди.

Чакана йўналишида ҳам барча бизнес режа ортиғи билан бажаришга эришилмоқда. Жумладан, ВАШ ва конверсия амалиётларидан олинган даромад 320 млн. сўмни ташкил қилиб 407 фоизга, "Сбербанк онлайн" даромади 564 фоизга, миллий индивидуал карталар 2987 та очилиб, бу борадаги режа 573 фоизга бажарилди. Доимий равишда омонат ва пластик карталар қолдигининг ошиб бориши ҳам ҳамкасбларимнинг меҳнатлари самараси. Энг асосийси, 4 ойлик ўрнатилган 1,1 млрд. сўм фойда режаси 3,4 млрд. сўмга, яъни, 317,3 фоизга бажарилди.

Юқоридаги ютуқларда Носирбек Гулмуродов, Жавлонбек Широ, Шуҳрат Жўраев ва Комилжон Абдувалиев каби жонкуяр ходимларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Аҳил жамоамиз биринчи ярим йиллики катта ютуқлар билан якунлаш ҳаракатида.

Гўзал ҲАЙДАРОВА,
менеджер.

Яқинда устоз журналист Хуршид Дўстмуҳаммад ижтимоий тармоқларда бугунги газета журналистикаси мавзусидаги чиқишида "Мен газета ўқимайман деган раҳбарлар чиқяпти...", дея қўйиб гапирдилар. Бу албатта, маънавият оламидаги оғриқ. Одамларнинг энг яқин маънавий дўсти бўлган газетадан юз ўгиришни кўпол бўлсада саводсизлик сари қадам деб айтиш мумкин.

Бежиз бу мавзуда сўз очмадик. "Hamkor press" газетаси ижодий ходимларининг "Газета ва газетахон" лойиҳаси доирасида жойларда ўтказилган учрашувлари ҳам айна шу мақсадга қаратилган. Жумладан, "Hamkorbank" АТБ Ҳазорасп филиалидаги учрашувда қуйидаги фикрлар билдирилди:

Дилшодбек АБДУЛЛАЕВ,
филиал бошқарувчиси:

— Инсон ўқишдан тўхтаган кунни фикрлашдан ҳам тўхтайдми, деган гап бор. Чиндан ҳам шундай. Айниқса,



Мақсудбек РЎЗИМОВ,
корпоратив хизматлар
бошлиғи-бошқарувчи
ўринбосари:

— Кун давомида интернет оламида яшаймиз. Янгиликлар кўп, мавзулар ранг-баранг. Баъзан бундан одам зерикади. Шундай пайтларда

бугунги ривожланиш даврида замон билан ҳамқадам бўлишнинг бирдан бир йўли ОАВ билан яқинлик. Шу маънода газета нафақат янгиликлардан хабардорликка, балки ўз билимларимизни ошириб бориш учун ҳам жуда зарур.

Тўғри, кейинги вақтда ижтимоий тармоқларга жуда ўргандик. Тезкорлик борасида инкор этиш қийин. Шундай бўлсада газеталарни ўз ўрни бор. Шахсан мен тарбиявий аҳамияти катта деб биламан.

Қолаверса, газета орқали ишончли маълумотларга эга бўламиз. "Hamkor press"га келсак ҳар бир сонини кутиб тураемиз. Дунё янгиликлари, қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, иқтисодий ҳаёт, маънавият ва спорт олами ҳаммаси бор.

ҳамкасбларимиз фаолияти ёритилган саҳифалар қизиқ. Чунки сиртдан тажриба алмашишимизга имкон бор.

Севара ҚУТЛИМУРОДОВА,
касса ходими:

— Газеталарда берилаётган мақолаларни ҳаммасини ҳам ўқиб бораман, дея олмайман. Ўзим қизиққан мавзулардаги, соҳам билан боғлиқ, оила ва жамият мавзусидаги чиқишлар менга ёқади. Пазандалик борасида ҳам газеталардаги маслаҳатлардан фойдаланаман.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ,
Андижон-Хоразм-Андижон.



**"Hamkorbank" АТБ Навоий филиали бошқарувчиси
Ҳикматилло Шерназаров фахрийлар ҳақидаги
суҳбатимизда Нурия Ҳусеновага шундай таъриф берди:**

ТОПГАНИ ҲУРМАТ, ҚАДР, ДЎСТЛАР БЎЛДИ

— Жуда камтарин, хокисор аёл. Бировдан хафа бўлишни билмайдми. Яқинда 60 ёшга тўлдилар. Лекин ҳамон ёшлардек ғайратли, шижоатли. Ҳамкасблари билан доим бир сафда. Банк тизимида ишлаганидан доим фахрланади.

Қизиқиб опа билан телефонлашдим. Эски танишлардек яхши кайфиятда саломлашдилар. Сездимки, ўрганадиган томонлари кўп. Қаҳрамониمنى излаб йўлга чиқдим.

Навоий филиали ходимлари бири қўйиб иккинчиси опа ҳақида фахрланиб гапира бошлади, устоз дея тилга олдилар. Мазкур филиалга тамал тошини қўйганлардан бири эканлиги, ўз касбини қанчалар

севиши, ёшларга доим меҳрибон бўлгани, давраларга файз киритиши-ю пазандалигини таърифладилар.

— Айниқса, биз аёллар опага суяниб қолганмиз,— деди Нодира Муқимова. — Ишга масъулият билан қарашни, шижоатни, қийинчиликлардан қўрқмаслиқни ўргатдилар. Доим олдинга қараб ҳаракат қилиш керак, дейдилар. Изларидан бориб кам бўлмадик.

Ўқловимиз сабаб банкка кириб келган Нурия опа ўзи билан қувноқлиқни олиб келди. Шоғирдлари пешвоз чиқиб, ҳушчақчақ кутиб олдилар. Соғинганликларини яширмадилар.



Қаҳрамонишимиз:

Ёшдан гапирган одамни ёқтирмайди.

Сўзида йўнариқганларни қадрлайди.

Одамларсиз яшай алмайди.

Қузғун жони қили

"Hamkorbank"
АТБнинг Хоразм
минтақавий
филиали мижозла-
ри томонидан
аҳоли бандлиги-
ни таъминлаш-
га алоҳида эъти-
бор қаратилмоқда.
Бу борада банкнинг
молиявий кўма-
ги қўл келаёт-
гани эътиборли.
120 нафар ёшлар
меҳнат қилаётган
Урганч тумани-
даги "Тилло бобо
издошлари" ху-
су-
сий корхонаси бунга
мисол бўла олади.



БАНК КЎМАГИ БИЛАН



Мазкур корхонада дастлабки вақтда атиги 150 литргина сут қайта ишланарди. 2019 йилда банк томонидан берилган 30 млрд. сўм кредит ҳисобига янги дастгоҳлар сотиб олинди. Бу албатта, ишлаб чиқариш суратини оширди-60 тоннага етди. 150 та фермер ҳўжаликларида шартнома асосида сут қабул қилиниши эса аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун замин яратди. Янги иш ўринлари ташкил қилинди. Шу ҳудудда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари биринчи навбатда ишга қабул қилинди.

Бугун ўз брендига эга корхона республика миқёсининг барча вилоятларига кириб борди. Ҳозирда 22 турдаги маҳсулотлари харидор-гир, ўнга яқин савдо нуқталари фаолияти мавжуд. Қадоқланган қатиқ, айрон ва пишлоқларнинг мазаси оғзингизда қолади.

— Сифат биз учун жуда муҳим, — дейди корхона иш юритувчиси Феруз Куронбоев. — Ва бозор талаби-ни ҳам назардан қочирмаймиз: ўрганамиз, изланамиз ва таҳлил қилиб борамиз. Сабаби, мижоз талабига жавоб беришимиз керак-ку... Озиқ-овқат маҳсулотларининг тури ҳам, хили ҳам жуда

кўп. Шундай экан, ишлаб чиқариш кенгайган бугунги кунда бу алоҳида аҳамият касб этади. Айни кунда лойиҳанинг навбатдаги босқичи устида иш олиб бораёмиш. Янги биноимиз қурилишида банкнинг кўмаги катта бўлди.

Умумий қиймати 50 млрд. сўмлик лойиҳа бўйича замонавий кўринишда қад ростлаётган завод биноси ҳавас қиларли. Хориж технологияси асосида бу ерда яқин кунларда иш бошланади. Натижада "Тилло бобо издошлари"нинг маҳсулотлари дастурхонимиздан янада кенг ўрин олади.

Назрулло ҲАМПАЕВ.

ТАДБИРКОРНИНГ АШАББУСИ ҚАНОТ ЁЗДИ

Жиззахлик тадбиркор Шоҳруҳбек Худайбердиев изланувчан ёшлардан. Ун икки йилдирки, унинг раҳбарлигидаги "Sabriyabonu" масъулияти чекланган жамияти аҳолига парранда маҳсулотларини улгуржа нархларда етказиб бериб келяпти.

Дастлаб фаолиятини 3 нафар тенгдоши билан бошлаган тадбиркор айни пайтда 20 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлаган. Шаҳар ва туманлардаги "дилер"ларни ҳам қўшадиган бўлсақ уларнинг сони юзга яқин.

Ҳар бир ишнинг замирида молиявий кўмак ётади. Агар моддий маблағ бўлмас экан, ривожланиш ҳам бўлмайди.

— Бошланишига ўз маблағимиз билан иш ташкил этдик. Буюртма ва эҳтиёжга қараб пластик савдосига эҳтиёж сезилди, — дейди тадбиркор. — Шунда "Hamkorbank" АТБнинг Жиззах филиалига мурожаат қилдик. Ишимиз жуда тез битди. Банк ходимларининг муомаласи ва хизмат сифатининг юқорилиги боис кредит олишни ният қилдик.

Ана шу вақтларда корхона янада ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш талаби турган эди. Бу катта маблағ талаб этарди. Яна банкнинг кўмагига юзланилди.

— Адашмаган эканмиз, иқтисодий ҳолатимизни тиклаб олдик. Шу кунга қадар 10 бор берилган кредит маблағлари эвазига хизмат турларимиз кенгайди.

Жиззах вилоятининг барча бозорлария дўконларини парранда маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган "Sabriyabonu" МЧЖ Сирдарё ва Тошкент вилояти ва шаҳри, Фарғона водийсини қамраб олган. Етти йилдирки, "Бону ширинликлари", "Самандар ширинликлари" каби қандолат ишлаб чиқарувчи корхоналар асосий мижозларидан. Тиниб-тинчимас тадбиркорнинг ғайрат-ишжояти туфайли аҳолининг парранда маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондириляпти.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

БАНК ФАХРИЙЛАРИ

лимизга ҳам Нурия опа қувноқлик билан шундай жавоб берди:

— Аксинча, ишини тўғри режалаштира билган аёл сира қийналмайди. Шунча эркак ҳамкасблар ёрдамга тайёр. Шундай даргоҳда ўрин топиш бахт.

— **Ҳаётдан топганларингиз ва энг қувончли онларингиз қандай?**

— Ушбу жамоада ўтган ҳар бир кунимни унутмайман. Бу ерда қадр, ҳурмат, қанча дўст топдим. Шогирдларимнинг ютуқлари ҳақида эшитганда, ўзимни янада бахтиёр сезаман.

Нурия опанинг ҳар кuni ҳамон банк билан боғлиқ. Тонгда уйғонганда ўзи яшайдиган кўп қаватли уйнинг тепасидаги "Hamkorbank" ёзувига кўзи тушади. Ва беихтиёр ҳамкасблари кўз олдида гавдаланади.

Инсоннинг ҳаёти бир китоб. Уни қандай безаш ўзимизга боғлиқ. Бу борада Нурия опадан кўп ибрат олсак арзийди.

Акбаржон НАЗАРОВ.

Андижон-Навоий-Андижон.

— Иш фаолиятимни 1983 йилда иқтисодчиликдан бошлаганман, — дейди Нурия опа ортга назар ташлаб. — Бир қатор корхоналарда ишладим, ўргандим. Қандай вазифани бажармай ишончни оқлашга ҳаракат қилдим, ҳамкасбларимга ҳурматда бўлдим. Дастлаб 2005-2010 йиллар "Туронбанк"да ишладим. Шу-шу банк менинг ҳаётимга айланди.

2010 йили Навоийда "Hamkorbank"нинг филиали очил-гач, Нурия Хусенова биринчилар қаторида ишга таклиф қилиниб, унинг зиммасига чакана хизматлар кўрсатиш бўлими оператори вази-фаси юклатилди. Янги муассасада ўзига яраша қийинчиликлар бўли-ши табиий. Мижозларни жалб этиш, хизмат сифатини яхшилаш, бошқа банклар орасида устунликка эри-шишнинг ўзи бўлмайди. Бу бора-да қаҳрамонимиз раҳбарлар билан елкама-елка турди. Ҳар бир мижоз-га очиқ чехра билан ҳамкорлик таклифини билдирди.

2017 йилга қадар турли вази-фаларда самарали фаолият юри-тиш баробарида бошлангич кас-




ба уюшма кўмитасига раислик қилди. Ходимларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва соғломлаштиришга алоҳида эъти-бор қаратди. Айниқса, жамоавий дам олишларни ташкил этишда ўзи-га хос йўл тутди.

Опа жуда зийрак, ҳар бир ходим-нинг туғилган кунини ёддан билар-

ди. Эрталабда биринчи қиладиган иши кўнгил олиш. Ходимларнинг феъл-атвори ва қизиқишига қараб совға тайёрларди. Ана шундай кун-ларда жамоанинг тушлиги катта шодиёнага айланарди. Бугун ҳам бу анъана давом этмоқда.

Аёл киши учун банк тизимида ишлаш қийин эмасми, деган саво-

Бугунги кунда давлат мактабгача таълим муассасалари қатори хусусий ёки давлат-хусусий шерикчилик асосидаги боғчаларнинг ташкил этилаётганлиги қувонarli. Таълим йўналишлари мазмунан бойиб, шаклан ранг-баранг ташкилланаётгани, унинг замирида халқимизнинг буюк келажаги муҳассам.



"НИХОЛ"ДА истеъдодлилар қамол топмоқда

Ҳар бир ота-она фарзандининг келажак пойдевори мустақкам бўлишини, соғлом ва билимли бўлиб улғайишини истайди. Шундай экан дилбанди қайси боғчага бориши билан қизиқиши табиий.

2015 йилда Андижон шаҳар марказида фойдаланилмаётган 1,07 гектар ер майдонида болажонлар учун 125 ўринли замонавий, барча қулайликларга эга боғча ташкил қилинди. Қурилиш

эстетик жиҳатдан безатилиши баҳру дилингизни очади. Ҳар бир гуруҳнинг машғулотлар ўтказилиши учун ташкил қилинган айвончалар миллий қадриятларимизни акс эттирган нақшлар билан жилоланади. Эртак қаҳрамонлари ва турли ўйинчоқлар билан безатилган майдондаги болажонлар шодлигидан сиз ҳам болаликка қайтгандай бўласиз, гўё.

Сувнинг шаффоф томчилари

ларнинг жонкуяр устози. Ундан шеър ёдлаш, санаш, расм чизиш ва ёзишни ўрганишяпти. Ойиша 4 ёш, Муҳаммадумар эндигина 3 ёшга киради. Улар рус ва инглиз тилида шеър айтиша олади. Илтижохон Матҳолиқова эса энг кичик гуруҳ болажонлари тарбиячиси. Кичкинтойлар бош ошпаз Ёзалоий ва унинг ёрдамчиси Дилафрузнинг мазали овқатларини севиб истеъмоладилар. Бундан ташқари ёзнинг иссиқ кунларида турли мевалардан тайёрланган шарбатлар ёқимли, албатта.

Гимнастика бола камолотида суякларнинг тўғри ўсишини таъминлайди. Шу боис спортнинг ушбу турига алоҳида эътибор қаратилган. Кичкинтойлар соғлиғи учун ҳамшира Зилола Қодирова масъул.

Муסיқа ва маданият, спорт хоналари алоҳида дид билан жиҳозланган. Бу ерда болалар ҳордиқ чиқарадилар. Ҳар бир хонадан мўъжазгина кутубхона жой олган бўлиб, турли адабиётлар билан бойитилган.

Жамоанинг келгусидаги режалари катта. Биринчи навбатда, улар учун таълим ва тарбияни кичик ёшдан синдириш муҳим саналади. Чунки бу борада болалар боғчасининг ўрни катта. Бугун ота-оналар фарзандларини энг яхши таълим-тарбия муассасаларига жойлаштирмоқда. Шундан келиб чиқиб мазкур МТМ тарбиячилари доим уларнинг ишончини қозониш ҳаракатида. Менталь арифметика ва француз тилини ҳам ўз дастурларига киритишни режалаштирмоқдалар.

Дунёда ҳар бир бола иқтидорли, истеъдодли. Фақат бу фазилатларини илғамоқ ва англамоқ даркор. "Нихол"да бунга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



лойиҳаси "Hamkorbank" АТБнинг имтиёзли банк кредити асосида амалга оширилди. Замонавий кўринишга эга хоналар, жиҳозлар билан таъминлаш учун барча шароитлар яратилди. Таълим даргоҳи дастлаб 100 нафар болажонни ўз бағрига олади.

Айни кунда "Hamkorbank" АТБ муассислигида бўлган мазкур таълим муассасасида барча қулайликлар мавжуд. Ота-оналар учун махсус кутиш хонаси ва болажонларини кузатиш имконияти яратилган бўлиб, замонавий видео-телефон (домофон) мосламалари мавжуд. Қўаламзорлаштириш майдонларида манзарали дарахтлар ва атрофнинг

юзларига урилган кичкинтойлар учун ёзги чўмилиш ҳавзасидан яхшироқ жой йўқ. Улар айни ёз палласида мириқиб чўмилишади. Қишда ҳам ушбу шодлик йўқолмайди-душ-ювиниш хонаси, қишқи чўмилиш ҳавзаси мавжуд. Бола дунёси ажойибда-на иссиқ ва на совуқни билишади. Бироқ, шундай бўлсада, замонавий ва хавфсиз иситиш тизими совуққа барҳам беради..

Тарбияланувчилар тажрибали боғча опаларидан ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукаммал ўрганмоқдалар. Ота-оналар логопед маслаҳатидан мамнун. Лайлохон 6 ёшли Абдулборий ва Мунис султон каби кичкинтой-

САВОЛ: Фарзандим ҳали 16 ёшга тўлмаган, унинг исмини ўзгартирмоқчимиз. Бунинг тартиби қандай?

Э. ХОЛИҚОВ, Самарқанд.

СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ!

ЖАВОБ. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 228-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг туғилиш ҳақидаги ёзувлар дафтарига ўзгартиришлар киритиш уларнинг ота-онаси аризасига биноан амалга оширилади.

Ўн олти ёшга тўлган шахсларнинг туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажрალიш қайд этиш дафтарларига ўзгартиришлар киритиш уларнинг аризаларига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига тузатишлар киритиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш ариза берувчининг аризасида кўрсатилган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг далолатнома ёзувларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш рад этиш тўғрисидаги ҳулосаси устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари"нинг 149-бандига мувофиқ, далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш қуйидаги ҳолларда;

— "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 15-моддаси асосида тарихий ва миллий анъаналарга риоя қилиш мақсадида фамилияси, исми, отасининг исмини ёздириш истаги бўлганда;

— оталик белгиланганда;

— фарзандликка олинганда;

— ота-онанинг ўзаро келишувига кўра (шунингдек, ота-она никоҳдан ажратилганда) ёки ҳоким қарорига кўра вояга етмаган боланинг фамилияси ўзгартирилганда амалга оширилади.

Савола ҳуқуқшунос

КАМОЛИДИН АМАНОВ жавоб берди.

ҲАҚИҚИЙ ФАЛОКАТ АСЛИДА...

Кучли тўфондан бир бой кишининг барча мол-дунёси сувга фарқ бўлибди. Бутун бойлиги бирпасда йўқ бўлганига чидамаган бой кўчаларда фарёду фиғон чекиб йўғлаб кетаятса, қаршисидан бир одам чиқиб қолибди:

— Қап-катта одамга йўғлаш нима-си? — дея савол берибди ажабланиб.

— Мен йўғламай ким йўғласин? — дебди у. — Бир зумда ҳамма мол-мулкимдан айрилиб, фақир-қашшоқ бўлиб қолдим-ку!..

— Кўп ғам чекма, — дея овутишга тушибди ёши улўф йўловчи. — Умр йўлдошинг борми?

— Бор, — дебди бой бироз ҳайрон бўлиб.

— Унинг ақлу ҳуши, фаросати борми?

Бой бир зум йўланиб қолибди ва:

— Ҳа, бу жиҳатдан бахтиёрман! Фаросатли, солиҳа, ҳар доим кайфиятимга қараб яшайдиган жуфти ҳалолим бор, — дебди.

— У ҳолда нега йўғлайсан, эй ғофил банда?! Бу дунёда мато учун ҳам кўз-ёш тўқадими, одам? Сабоқ учун бир гап айтай сенга, мен шундай бир хотинга уйланганманки, эрининг қадр-қимматига етмайди. Сен фалокатнинг нимагини билмас экансан. Агар сен ҳам ақли калта, тили узун, жағи тинмас бир хотинга уйланган бўлганингда, ўшанда билардинг ҳақиқий фалокат нимагини! Дўконларинг сувга фарқ бўлган бўлса, сен соғ экансан-ку, ҳаммасини топасан. Фақат ёнингда кўнглингдагидек аёлинг сенга маддакор бўлса, маънавий қувват бериб турса, тезда ўзингни

ҚАТРА

йўғлаб оласан, — дея таскин берибди йўловчи.

Халқимизда "Яхши хотин ярим давлат" деган гап бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, солиҳа, оқила аёл фақат жуфти ҳалолнинг эмас, бутун жамиятнинг гултожи ҳисобланади. Чунки, тарбияси гўзал аёл аввало, ота-оналарини эъзозлайди, турмуш ўртоғини ардоқлайди, асосийси, фарзандларига чиройли тарбия бериб, жамиятга комил инсонларни вояга етказиб беради.

А. ТОЖИДДИНОВ.

— Онам Дамира Ғофурова биз фарзандларига болаликнинг бахту қувончларига тўла ҳаёт завқини бера олди. Меҳринику барча оналар каби ҳисобсиз ҳада этди.

Дилдора МУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани:



Берганини қайтариб олмайдиган...

Ширин сўзлари бисёр (бу муболаға эмас). Ҳар қандай ташвишни, муаммоларни ўзиники қилиб оладиган ва албатта, ечим топиш салоҳиятига эга зукко, зийрак қалб эгаси. Берганларини қайтариб олмайдиган, миннат қилмайдиган, чарчоқни билмайдиган, очганини ҳис қилмайдиган зот.

Ҳаётимнинг энг илиқ лаҳзаларидан бири волидам билан дилдан суҳбат қуришдир. Гўдаклик чоғларида бир-бирига термулган кўзлар, улғайиб олиш-лашган, ўша ўтган лаҳзаларни интиқ кутар экан. Соғинчлар эса дийдор пайтларда бироз чекингандай бўларкан. Ана шу онлардагина ҳақиқий ва чинакам бахтни туяман.

Ҳаётда ўрнимизни топишда авва-

ло, ўзлари ибрат бўлдилар, ўғитлари билан кўмакчилик қилдилар. Саранжом, саришталик, тартибли уй бекаси бўлиш, оилани мустаҳкам сақлаш ва унинг қадри ҳақида сабоқ берган ҳам онам. Муваффақиятларим сабабчиси, бахтли ҳаётимнинг йўлбошчиси волидам бўладилар!

Гулнинг барчаси гўзал кўриниши мумкин - фарқи ифорида. Чиройда тенги йўқ гул каби фарзандлар кўп, аммо уларнинг ифори одоб-ахлоқ ва гўзал хулқида. Бизни оқ ювиб, ўқитиб, жамиятда ўз ўрнимизга эга қилиб вояга етказган онамдан миннатдорман. Бахтимизга соғ бўлсин, эзгу ишларимизга бош бўлсин.

Матлуба АҲМЕДОВА тайёрлади.

Ривоят қилдиларки, бир кун шогирд устози пири комилдан сўради:

— Нима учун чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлайдилар. Улғайганларида эса уларда ҳар хил ҳислатлар пайдо бўлади?

Устоз жавоб берди:

— Бу тарбиянинг натижасидир.

Ибратли ҳикоя

ланиб, ахлоқ орзу ҳолини бойитиб бораверади.

Қизиқувчан шогирд яна сўради:

— Эй, устоз, минг машаққат ила юксакликка кўтарилган инсонни нима пастга тушириши мумкин? Мен шундан огоҳ

ЧАҚАЛОҚЛАР НЕГА БИР ХИЛ ЙИҒЛАЙДИ?

Шогирд сўради:

— Эй, маънолар хосхонасини эгаллаган пири комил, тарбиянинг ҳосиласи ёшга ҳам боғлиқми?

Доно устоз дедилар:

— Ҳа, албатта. 20 ёшда ҳиссиёт, 30 да истеъдод, 40 да ақл ҳукмронлик қилади.

Илмталаб шогирд яна сўради: — Эшитишимча, тана қартайганда ахлоқ мустаҳкамланади, дейдилар. Бунинг сабаби не?

Пири комил бир лаҳза ўйга чўмган, шундай деди:

— Чунки инсон танасидаги барча аъзолар ўз нафсини қондиравериб чарчайди, ҳолдан тояди, руҳ эса ҳаёт чархида чарх-



бўлайин.

Сермулоҳазали устоз шогирдига қараб, шундай деди:

— Киши қанчалик юксакликка эришмасин, ахлоқда оқсаса, пастга тушиб кетиши муқаррардир. Эй, шогирд, мисқоллаб йиққан обрўйинг бир зумда тўқилмасин десанг, ақлингни ҳамиша раҳнамо этгил. Нолойиқ ишлардан олисга кетгил.

ХИТОЙДА ЧОЙНАК РУҲИ

Хитойда чойнаклар тоза ювилмайди. Негаки, улар чойнакларда чойга таъм берувчи руҳ бор дея ишонадилар ва уни сувда енгилгина чайиб, қуёш нури тушадиган жойга қўядилар.

Буни биласизми?



Жазирама кунларда муздек сув инсон танасига ором бағишлайди. Кимдир дарада, кимдир кўлда, яна кимдир бассейнда чўмилиб роҳат олади. Чўмилиш фақат танани яйратиш дегани эмас, унинг саломатликка фойдали таъсири ҳам катта.



ЧЎМИЛИШ — ҲАМ ЯХШИ, ҲАМ ЁМОН...

БУ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ

* Чўмилиш ҳавзасига келиб, сувга тушманг. Бу томирларнинг қисилишига олиб келади. Аввал 10-15 дақиқача танани сувга кўнктириб, сўнг охиста сузишни бошланг;

* Ҳаво ҳарорати 23 даражадан паст бўлган вақтда очиқ жойда чўмилманг;

* Нотаниш жойларга ҳеч қачон шўнғиманг ва калла ташламанг. Сувнинг тубидаги бирон жисм ёки ҳашарот жароҳат етказиб қўйиши мумкин;

* Бир вақтнинг ўзида ҳам чўми-

либ, ҳам тамадди қилиш қатъиян тақиқланади;

* Сувга спиртли ичимлик истеъмоли қилган ҳолатда тушманг. Алкоголь бош мия томири торайиши ва кенгайишига тўсқинлик қилади;

* Қуёшда узоқ тоблангандан кейин ҳам сувга тушиш тавсия этилмайди. Бу мускулларни қисқартириб, юрак фаолиятининг тўхташига олиб келиши мумкин;

* Нафас йўлларида кириб қолган сувдан қутулиш учун бошни баланд

ФОЙДАСИ НИМАДА?

Масалан, сувда кўп сузиш, иммунитетни мустаҳкамлаб, шамоллаш, яллиғланиш каби хасталикларнинг олдини олади. Шунингдек, гавда тўғри шаклланади. Модда алмашинуви, уйку ва иштаҳа яхшиланади. Асаб, нафас ва юрак қон-томир тизими, шунингдек, таянч-ҳаракат аъзолари фаолияти ижобий томонга ўзгаради. Остеохондроз, диск чурраси бартараф бўлади, яссиоёқликнинг олди олинади.



Маслаҳат...

ЗАРАРИ ҲАМ БОР

Совуқ сувда чўмилишнинг ўзига хос салбий томонлари ҳам бор. Кимёвий усул билан тозаланган сув аллергия хавфини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, қулоқ ва тиш оғриғи, тумов, бурун оқиши каби касалликларни қўзғатиши мумкин.

Туғма юрак пороғи бор, тери касалликларига чалинган, ўткир вирусли инфекция билан зарарланган, очиқ яраси мавжуд, тиришиш (тутқаноқ) синдромига ва тана ҳарорати кўтарилишига мойил инсонларга сувда сузиш ман этилади.

Денгиз суви танани чучук сувга нисбатан кўпроқ совитиб юборади. Натижада гарчи қуёш чарақлаб, жазирама иссиқ бўлишига қарамай, кишини титроқ босади. Бундай баданда майда-майда хуснбозар (қаттиқ совуқ таъсирида) пайдо бўлгунча сувда қолмаслик керак.

ОСИЁ тайёрлади.

Хоразм маданий мерос объектларига барча бирдек қизиқиш билан қарайди. Унинг тарихи ҳам ўрганишга арзирли.

Ичан қалъа — Ўрта Осиёдаги йирик ва ноёб меъморий ёдгорликлардан бири. Хиванинг ички қалъа (Шахристон) қисми. У шаҳарнинг Дишан қалъа



Ичан Қалъа

(ташқи қалъа) қисмидан кунгурдор девор билан ажратилган. Хива рабобидан (Дишан қалъадан) баланд қўрғонтепага ўхшаб кўринади. 4 дарвоза, яъни Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвозадан кирилган.

Хоразм халқ меъморлигининг ажойиб обидалари: мадраса, масжид, сарой ва миноралар, асосан, ана шу қалъада жойлашган. Ундаги меъморий ёдгорликларнинг яратилиш тарихи, асосан, 4 даврга тааллуқли: биринчиси, Хоразмнинг қадимги даврдан то мўғуллар истилоси даврига қадар, бу даврдан Кўҳна аркнинг ғарбий девори, қалъа деворининг шимолий-шарқий бурчагидagi қадимги даврга мансуб бурж ва қалъа девори қолдиқлари сақланиб қолган. Иккинчиси, Хоразмнинг 1220 йилдаги мўғуллар истилосидан кейин тикланиш даври. Бу даврдан Сайид Аловуддин мақбараси ва бошқа маҳобатли бинолар қурилган. Учинчи даври XVI—XVII асрларга тўғри келади. Абулғоziхон ва Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврида Ичан қалъада Анушахон ҳаммоми (1657 й), пешайвонли Оқмасжид (1675 й), Хўжамбердий мадрасаси (1688 й) бунёд этилган. Кўҳна арк истехомлари мустақамланди, кўриниш хона, яъни хоннинг қабулхонаси қурилди (1686—1688 йй.). Бухоро билан Эрон ўртасида Хива хонлиги учун бошланган уруш натижасида XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб Ичанқалъа, умуман Хива шаҳри қаттиқ шикастланди. Ва Хива бир қанча вақт Эронга тобе вилоят бўлиб турди.

Тўртинчи даври XVIII—XX асрларни ўз ичига олади. Бу даврда Ўрта Осиё маҳаллий меъморлиги анъаналари асосида масжид, мадраса, тим ва тоқилар қурилди. Ота дарвозадан Полвон дарвозагача катта йўл ўтказилди. XVIII аср охирида Жума масжид қайта қурилди ва унинг ёнида баланд минора қад кўтарди. Ичан қалъанинг хароба деворлари тикланди, бир қанча иморатлар таъмирланди. 1840-1842-йилларда икки қаватли Қўтлуғ муроднинг оқ мадрасасига қаратиб тим ва тоқилар қурилди. Мухаммад Раҳимхон - Феруз, Оллоқулихон ва Мухаммад Аминхон ҳукмронлиги даврида қурилиш авж олди. Мухташам сарой, мадраса, мақбаралар барпо этилди: Кўҳна аркда сарой қурилиши тугалланди. Янги ва катта Тош ҳовли саройи қурилди. Полвон дарвозага яқин қўрғон деворининг бир қисми бузилиб, ўрнига Оллоқулихон карвон саройи, мадрасаси ва тим қурилди, халқ ижодининг ажойиб намунаси Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қад кўтарди. Араб Мухаммадхон ва Муса тўра мадрасаси ҳам шу даврда яратилди. Мухаммад Аминхон Ичан қалъанинг ғарбий қисмига — Кўҳна арк ёнига Калтаминор номи билан машҳур бўлган минора қурдирди. Бу минора гарчи битказилмай қолган бўлсада, алоҳида ўрин тутди.

Қурилишда
Хива меъморлари
Ўрта
Осиёда

қадимдан қўлланиб келган услуб — иншоотларни рўпарама-рўпара қуриш услубидан (қўшдан фойдаланишган. Яна бир ўзига хос хусусияти биноларнинг алоҳида ансамбль ҳолида қурилганлигидир. Масалан, Полвон дарвоза олдидаги бир неча масжид ва мадрасалар, ҳаммом, тоқи, карвонсарой ва хонсаройлар ўзига хос ансамблни ташкил этади.

— Китобларда кўп ўқиган бўлсамда Ичан қалъани бунчалик катта меъморий бойлик эканини билмаган эканман. Бугун чуқурроқ ҳис этдим, — дейди унинг тарихида сайр этаётган наманганлик Абдувалик Соатов. — Қаранг, чинакам санъат асари. Ҳар бир нуқтаси ўтмишдан сўзлайди. Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги.

Меъморий ёдгорлик сифатида муҳофазага олиниб, музейга айлантирилган. 1990 йилдан ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос рўйхатида киритилган.

Мавлуда ЮСУПБОВА,
Хоразм.



Кунлардан бир кун
Бернард Шоу от миниб
сайрга чиқади. Анча муддат ўтгач, йўлида учраган одамга мурожаат қилади:

— Биродар, шу отни жоловидан ушлаб турсангиз, илтимос, мен бирров почтахонага кириб чиқаман.
— Э, нималар деяпсиз, жаноб, мен ахир парламент аъзосиман-ку?
— Кўринишингиздан ҳалол, виждонли одамга

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН ҲАНГОМАЛАР

ўхшаяпсиз. Майли, тавakkal, мен сизга ишонаман.

Энрико Карузо биринчи марта Америкага келганда журналистлар уни ўраб олади. Улардан бири хонандадан сўрайди:

— Италия ва Америка ўртасидаги савдо

алоқалари ҳақида нима дея оласиз?

— Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, — дейди хонанда бироз хижолат бўлиб. — Лекин ишончим комилки, нима демоқчи эканимни эртага чиқадиغان газеталардан ўқиб билиб оламан.

Лессинг паришонхотирлиги билан машҳур эди. Бир кун уйига кеч қайтиб, эшикни тақиллатади. Ичкаридан шундай жавоб бўлади:

— Жаноб профессор уйда йўқ!

— Хай, майли, нима ҳам қилардим, бошқа вақтда келарман, — дея профессор уйдан узоқлашади.

Рус тилидан
Шодмон ОТАБЕК
таржамаси.

Америкалик олимлар яқинда ажойиб тадқиқот натижаларини эълон қилди. Унда саҳийлик ва яхшилик қилишга мойиллик соғлиқ учун фойдали экани, бу хусусиятларга эга бўлган кишилар бошқаларга нисбатан кўп яшашни айтилган.

Тадқиқот беш йил давомида ўтказилди. Унда 846 киши қатнашди. Иштирокчилар ўзлари қилган яхшиликлар, жумладан, дўстлар, қўни-қўшнилар ёки қариндошларга ёрдам бериш, автоуловда хизмат кўрсатиш, болаларига қараб туриш ва ҳоказолар ҳақида гапириб беришди. Кузатувлар муҳтожларга ва қийин вазиятда қолганларга кўмаклашганлар парвасиз кишиларга қараганда соғлом ва тетик бўлишни кўрсатди.

АҚШнинг Буффало университети ходими Майкл Пуленнинг сўзларига кўра, ушбу тадқиқот атрофдагиларга ёрдам бериш энг олдин кишининг ўзи

УЗОҚ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ...



га фойдали экани, саховат ва меҳр асабиликни йўқотиб, узоқ умр кўришга сабаб бўлиши каби ҳаётий ҳақиқатларни илмий жиҳатдан исботлаб берди.

Албатта, олим Майкл Пулен ҳақ. У йигирма биринчи асрга келиб аниқлаган тадқиқот натижасини Аллоҳ таоло ўн беш аср олдин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилган Қуръони карим орқали биз бандаларга такрор ва такрор таъйидлаган. Негаки инсон руҳиятининг феъли фақатгина яхшилик қилиш ва ёмонликдан тийилиш туфайлигина гўзаллашади, мувозанатда туради. Зеро, Аллоҳ таолонинг каломии - Қуръони каримда марҳамат қилинганидек:

“Ўзингиз учун нимаики яхшилик қилган бўлсангиз, уни (яъни савобини) Аллоҳ ҳузурида топажасиз. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир”. (Бақара, 110)

“Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин!” (Оли Имрон, 104)

Ҳасан Басрийдан “Яхши инсон ким?” деб сўрашибди. Зоти шариф айтибдики, тўрт нарсани кишининг яхши эканига далолат қилади:

- тилининг ростгўйлиги,
- дўстларининг хато-камчиликларини кечириши,
- замона аҳлининг таниқли олим кишисига саховат кўрсатиши,
- таниш ва қўшниларга озор беришдан тийилиши.

Азизлар, ҳар ерда, ҳар кишига, ҳамisha яхшилик қилишга шошилмайлик.

Саидабнор УМАРОВ.

HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" тахририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ЙУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-649 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобқ.

ISSN 2141-9734



Сотувда
келишилган
нархда.